Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 10 ноябрь, сешанба № 221 (21 319).

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Узоқ-яқиндан келган биродарлар! Ҳурматли дўстлар!

Авваламбор, кўхна Жиззах юртига ташриф буюрганингиз ва бугунги тантанада қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг севимли фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлаш учун мўътабар Жиззах заминига тўпландик. Бугун ўзбек халқи, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Шароф Рашидов руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга минг қатла шукур дейишимиз керак.

Бугунги тантанани сўнгги йилларда она Ватанимиз, жафокаш халқимизни мисли кўрилмаган туҳматлардан, ирво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимизга бир нуқта қўйиш куни десак хато бўлмайди. Минглаб асоссиз жабрланганлар, уларнинг оҳу фарёд чеккан ота-оналари, муштипар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳаққи-ҳурмати, рўй-рост айтайлик: бу кунни орзиқиб кутган эдик!

Бу кунни энг орзиқиб кутган, энг маҳтал бўлган — Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир! Минг афсуским, ул мубарак зот шу кунларга ета олмади. Ҳаммамизнинг ниятимиз — руҳи поклари шод бўлсин.

Азиз дўстлар!

Ўтганларни эслаш — халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношуқурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

Бугун асрлар давомида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури ерга топталган эл-юртимизнинг эзгу ниятларига эришдик — мустақил давлат қуряпмиз. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, қуч-қувват ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлиқ юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик.

Шу ўринда мен орамизда юрган айрим «кароматгўй»ларнинг бир фикрига мутлақо қўшилмаслигимни айтмоқчиман. Нима эмиш — гўё биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида, осонгина, ҳеч қандай курашсиз эришибмиз. Буни фақатгина ўз тарихини билмаган ёки билишни истамаган, ёҳуд уни ҳурмату писанд қилмайдиган ва балки, очиғини айтганда, маълум эгри сиёсий мақсадларни кўзлаётган аламзадалар айтиши мумкин.

Тарихимизнинг оғир ва машаққатли саҳифалари, синовларини эслайлик. Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий қадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар.

Бобокалонларимиз — имом Ал-Бухорий ва имом Ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ Бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланяпти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий меросларини бугун халқимиз бисотига қайтмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади.

Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

Халқимиз руҳиятининг сарчашмаларидан бўлмиш қадимий ва навқирон Наврўз айёми, диний қадриятларимиздан бўлмиш Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити қайтадан ҳаётимизга кириб келди. Бундай амалий қадамлар кишиларимизда бугунги ва эртанги кунга, ҳокимиятга, раҳбарларга ишонч ва ҳурмат туйғуларини уйғотди.

Сўнгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисолаларни нашр дан чиқардик. Урф-одатларимизни, миллий маросимларимизни кенг тарғиб этдик. Борлиғимизни, бойлигимизни, қадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Ана шулар эвазига халқимизнинг қаддини ростлашга, ҳақиқий миллий ғурурни тиклашга эришяпмиз. Бунга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга бағишланган тантаналар яққол мисол бўла олади.

Халқимизнинг миллий онги, ғурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёқараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда.

Истиқлол кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпгина аждодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди.

Дақиқани абадиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади? Нега халқимиз уни давлат арбоби сифатида юксак эъзозлайди? Нима сабабдан ҳамма уни ёзувчи, шоир, инсон қалбининг зукко билимдони сифатида ардоқлайди?

Шароф Рашидов ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлиғини тиккани учун!

Ҳақиқатан ҳам юрт соҳиби халқ ғамини ўйлагувчи бўлса, яратганнинг ўзи ҳам, қолаверса, халқ ҳам уни қўллайди, асрайди, тиклайди, эслайди.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун Шароф Рашидовнинг муборак айёми муносабати билан унинг сермазмун ҳаёт йўлига яна бир бор назар ташлаб ўтиш жоиздир.

Шароф Рашидов бундан 75 йил муқаддам ана шу сиз ва биз турган заминда — Жиззахда таваллуд топган эди.

Шароф Рашидов авлодларидан, отасидан мерос қилиб олган — барча ишда олдинда юриш, кундалик турмушда камтар бўлган ҳолда иш бобида талабчанлик, одамларнинг дардига малҳам бўлишдек ўзбекона фазилатларни умр бўйи қадрлади. Қишлоқдаги етти йиллик мактабда, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиганида ҳам, Ўзбек давлат университетида таҳсил кўрганида ҳам, талаба бўла туриб вилоят газетасида ишлаганида ҳам унинг мана шу фазилатлари намоён бўлган. Салоҳияти юксаклиги боис, университетнинг охирги курсида ўқиб турганида муҳаррирлик лавозимига кўтарилади.

Шароф Рашидовнинг дастлабки қадамлари билан танишар экансиз, унинг замондошларини лол қолдирган қобилияти сабаблари аён бўлади, яъники олдинга интилган одамни ҳеч қанақа куч тўхтатиб қололмайди.

1942 йили Шимоли-ғарбий фронтдаги ўқчи бригаданинг йигирма беш яшар сиёсий раҳбари Шароф Рашидов жангда оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади. Ўттиз ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланади. Республика журналисти учун бу лавозим — олий чўққи эди.

Шароф Рашидов ёзувчи сифатида ҳам жуда тез халқ эътиборини қозонди. Ўзбекистон адиблари уни Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси этиб сайлашади.

Шароф Рашидов ўттиз уч ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлади. Собиқ СССР тарихида бундай ёш раҳбар, олий ҳокимият эгаси бўлмаган. Аммо Рашидовнинг тақдиридаги асосий поғона ҳали олдинда эди. У 1959 йилда ўша даврнинг энг юқори лавозими — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охирги кунларигача сабот ва матонат билан ишлади. Республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. Бу йиллар тарихнинг ўзига хос мураккаб даври эди.

Дўстлар, биродарлар!

Шароф Рашидов ҳақида гапириш, бу кўпқиррали инсон ҳаёти ва фаолиятини ифодалаш — ғоят масъулиятли иш.

Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов даври ва унинг шахси ҳали тарихчилар, олимлар ва ижодкорлар томонидан пухта ўрганилади. Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади.

Минг афсуски, ҳақиқат кечикиб келадиган вақтлар ҳам бўлади. Аммо виждонли одамлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охират сўроғидан қўрқиши керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, хаёлидан чиқармаслиги лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

● **ЖИЗЗАХ. 1992 ИЙЛ, 6 НОЯБРЬ. Суратларда: 1. Меҳмонларни кутиб олиш маросими. 2. Шароф Рашидов бюсти. 3. Отахонлар зиёратда.**

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



Бельгия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Барон Тьерри де Грюбен мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

И. Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, элчи жанобларини бу масъул лавозимга тайинланганлари билан табриклади ва Ўзбекистон билан Бельгия Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши давлатлараро алоқаларни ривожлантириш учун муҳим омил бўлади, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

БЕЛЬГИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Барон Тьерри де Грюбен

1941 йил 17 ноябрда Антверпенда туғилган. Лувен католик дорилфунунининг ҳуқуқшунослик доктори. Ташқи ишлар вазирлиги тизимида 1969 йилдан буён ишлаб келади.

1969 — 1970 йилларда — Бельгиянинг НАТОдаги ҳайъати таркибида Брюсселда ишлаган;

1970—1971 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати ходими

1971—1976 йиллар — Бельгиянинг Москвадаги элчихонаси ходими;

1976—1980 йиллар — Бельгиянинг Лондондаги (Буюк Британия) элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича атташеси;

1980 — 1982 йиллар — Бельгиянинг Бомбейдаги (Ҳиндистон) бош консули;

1982 — 1985 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги марказий девони ходими;

1985 — 1990 йиллар — Бельгиянинг Варшавадаги (Польша) элчиси;

1990 йилдан — Бельгиянинг Москвадаги элчиси;

1992 йил апрель ойида Бельгиянинг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича қароргоҳи Москвада бўлган фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Оилали. Тож нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

• 10 ноябрь—милиция куни •

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг барча ходимларини милициянинг 75 йиллиги билан чин юракдан табриклайман.

Республикамиз қаҳрамонона йилномасининг кўпгина шонли саҳифалари милиция фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Милиция мустақил давлат пойдеворини қўйишга, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига Конституция асосида кафолат берилишини таъминлашга, республикада сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Ички ишлар бўлинмалари фуқароларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқдалар, жамоат тартибини ва умумхалқ мулкини қўриқламоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари сизларнинг мардона ва олижаноб касбингизга ҳурмат-эҳтиром изҳор этиш билан бирга милиция ходимлари бундан буён ҳам халқлар ўртасида тотувликни, одамлар орасида дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида ўз ифодасини топган эзгулик ва адолат ғояларига садоқат билан хизмат қилади, деб умид билдирадилар.

Азиз дўстлар, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва равнақи йўлида сизларга ҳамиша муваффақиятлар ёр бўлсин! Милициянинг фахрийлари ва ёшларини, барча авлодларга мансуб ходимларини байрам билан табриклайман! Сизларга, қариндош-уруғларингизга ва ёру биродарларингизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва энг яхши тилакларимни изҳор этаман!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ПАХТА МАҲСУЛОТИНИ СОТИШ ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК АССОЦИАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида колхозларнинг, совхозларнинг, пахта тозалаш саноати корхоналари ва ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, пахтани қайта ишлаш жараёнларини самарали таъминлашда ҳамда пахта толасини ва бошқа маҳсулотини сотишда уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотни сотиш бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг мазкур ташкилотларни тугатиш ҳамда уларнинг қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларни Ўзбекистон Пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциациясига ихтиёрий бирлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциацияси:

юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмасидир ва у пахтани харид қилишни, қайта ишлашни ҳамда пахта маҳсулоти ва каноп сотишни таъминловчи давлат ва акционерлик корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотни сотиш, транспорт, илмий—тадқиқот, лойиҳа—конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни ихтиёрий асосда бирлаштиради;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ассоциациянинг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низоми асосида юритади;

Ўзбекистон Енгил саноатини хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотни сотиш бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмаси билан илгари тузилган барча шартномалар ва қабул қилинган мажбуриятлар бўйича масъулиятлидир.

3. Ўзбекистон Пахта саноати республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг вилоят ишлаб чиқариш бирлашмалари ва Ўзбекистон Енгил саноатини хом ашё билан таъминлаш ва маҳсулотни сотиш бош бошқармасининг таъминлаш ҳамда маҳсулотни сотиш бошқармалари негизида пахтани харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш ҳудудий давлат акционерлик бирлашмаларини ташкил этилсин.

(Давоми учинчи бетда).

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўтмишни бўяш ва безашнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан кўз юмганидан кейин, умр бўйи ҳимоя этган тузуми унга хиёнат қилди. Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум йўқки, инсон қадрини бу қадар беобрў қилса! Бугун кўкларга кўтариб, эртасига ер билан яксон этса! Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти кескин сустлашди ҳатто кўп ҳолларда бутунлай тўхтаб ҳам қолди. Буни қўққисдан кириб келган «қайта қуриш», мамлакатдаги умумий иқтисодий танглик билан ҳам изоҳлаш мумкин, албатта. Лекин шуни ҳам тан олишимиз керакки, маълум даражада республикамиз ва унинг жафокаш халқи бошига тушган бу кулфат обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг ҳам натижаси бўлди. Чунки ҳокимиятни узоқни кўролмайдиган, енгилтабиат, иродасиз, фақат ўзини ўйлайдиган, нафсга берилган шахслар эгаллаб олди.

Ҳақиқий раҳбарсиз қолган республика халқи собиқ марказдаги сиёсий қиморбозликнинг қурбони бўлди. Уларнинг сиёсий ўйинлари, маккор ниятлари натижасида Ўзбекистон тарихда кўрилмаган ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Бу сиёсатни татбиқ этган «доҳий»лар ва сиёсатчилар ҳозир ҳам тарих изига қарши дўқ-пўписа қилиб юрибдилар. Лекин, келинглар, ҳақиқатнинг юзига барибир тик қарайлик. Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдида бош эгар эканмиз, ўзимиздан очиқчасига сўрайлик: нима учун ўзбек халқининг энг яхши сифатлари ўзгаларга таҳқирлатиб қўйилди? Қора ниятли кимсаларнинг мақсади шундоқ ҳам кўриниб турмаганмиди?!

Ҳақиқат эгилса эгилади-ки, синмайди. Ўзбекистон халқи Шароф Рашидов ўзининг муносиб фарзанди эканини исботлай олди ва шу билан бирга ўзининг ҳам изат-нафси, ғурурини ҳимоя қила билди.

Агар сотқинлик юз бермаганида халқнинг обрў-эътиборига ҳеч ким раҳна сола олмас эди. Кўпгина собиқ раҳбарлар лавозимдан имтиёзлардан ажралиб қолишдан қўрқиб, ўз юртининг, ўз устози, етакчисининг шаънини ҳимоя қилиш ўрнига, халққа мурожаат этиш ўрнига ўзлари ҳам бир кун келиб худди шундай қурбон бўлишларини асло ўйламай рўй-рост хиёнат қилдилар.

Шароф Рашидов номини абадийлаштиришни илтимос қилган раҳбарларнинг, орадан сал вақт ўтмай, айнан ўзлари қабул қилган қарорни бекор қилганликлари ҳақидаги ҳужжатларни ўқиганда уятдан ларзага тушади киши. Улар мисли кўрилмаган шаккоклик билан марҳум хотирасини таҳқирладилар, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. «Шароф Рашидовчилик» деган иборани ўйлаб чиқардилар. Лекин, қайтар дунё деганларидек, ўзлари бу шаккокликнинг жазосини тортдилар, ўзлари сиғинган одамлардан баттар таҳқир, камситиш ва хўрлик кўрдилар.

Халқимизда қасдкашлик, айниқса, мағлуб ва марҳумлардан ўч олиш одати йўқ. Аммо бу сабоқни унутиб бўлмайди. Агар минг-минглаб одам бу хиёнатнинг қурбони бўлмаганида, гуноҳсиз бўла туриб қамоқ азоби ва шармандалигини тортмаганида, бутун халқ шаъни ерга урилиб, бадномлик балчиғига беланмаганида сотқинлар тўғрисида гапириб ўтиришнинг кераги йўқ эди. Уларнинг ҳар бири ўз жазосини олган. Аммо халқ чеккан азобни, у мубтало қилинган балоларни унутиб бўлмайди. Агарки, шундай мусибатлар бошимизга бошқа тушмасин десак, тарихимизни ҳеч унутмаслигимиз лозим.

Шароф Рашидовни талабалик йилларидан буён билган, бирга ишлаган, унинг тарбиясини кўрган, унинг кўмагида мансаб пиллапояларидан кўтарилган барча мунофиқлар, хоинларнинг номини айтиб ўтириш шарт эмас. Мунофиқликнинг шу даражага етиб борганини қарангки, уларнинг айримлари бугун ўзларини қайтадан Рашидовга дўст қилиб кўрсатяптилар, айримлари ҳатто хотиралар битяптилар. Буларнинг барчаси уларнинг виждонига ҳавола. Аммо улар шу нарсани билиб қўйсинларки, халқ бор ҳақиқатни билади, у ҳеч нарсани унутгани йўқ.

Бугун Шароф Рашидовнинг номи хўжаликлар, районлар, шоҳкўчаларга қайтариб берилмоқда. Бу нарсалар илгариги даврлардагидек «халқ номидан» эмас, балки табиий, астойдиллик билан амалга оширилмоқда.

Халқ, айрим арбоблардан фарқли ўлароқ. Шароф Рашидовнинг шахси хусусида ҳеч қачон ҳато фикрга бормаган. **Меҳнаткаш, виждонли халқ ўзи тўғрисида ёмон фикрга бормаганидек, суюкли раҳбари тўғрисида ҳам ёмон фикрга боролмас эди.**

Халқ шуҳратпараст, мансабпараст, ялоқхўрлардан фарқли равишда, Шароф Рашидовнинг китобларидан унинг қалбини кўра оларди. Чунки унинг қалби халқ қалби билан бир эди. Шу туфайли халқ қалбига қулоқ солган киши Шароф Рашидов қалбини тўла англаши мумкин.

Агар биз Шароф Рашидовдаги серқирра қобилиятни давлат арбоби ва ёзувчи сифатида алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, унинг хизмат поғоналаридаги юксак, тезкор парвозини ҳеч қачон тушуна олмаймиз. Чунки унда бу қобилиятларнинг барчаси уйғунлашган, бир бутунликни ташкил этган эди.

Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли, ўз халқи сингари барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теран тафаккури ҳамда билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам ҳайратда қолдирар эди. Унинг ижодий истеъдоди ҳам кўп қиррали эди — шоир, носир, публицист сифатида яратган асарлари бу жанрлардаги ҳар қандай асарлар билан беллаша олади.

Шунинг учун ҳам унинг ижодини таҳлил қилганда бир томонлама ёндашувдан, майдалаштиришдан қочиш керак.

Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, авваламбор, ўша давр зиддиятлари хусусида гапириш керак. Бу мураккаб шахс бир тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан — марказдан келган, туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур. Унинг умри сандон билан болга ўртасига қўйилган эди, деб айтсак ҳам асло муболаға бўлмайди.

Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди. У ўз халқининг эртасини ва келажагини ҳаммадан кўпроқ ўйларди.

Энг оғир шароитларда ҳам Шароф Рашидов халқига фарзандлик бурчини қўлдан келганича адо этди. Марказдан келган буйруқларни юмшатишга, юртимиз ободонлиги учун пул ва маблағ ундиришга ҳаракат қилди. (Ҳаёт, сиёсат, давлат бошқаруви у даврда шундай тартибда қўйилган эдики, ўзимиздан — Ўзбекистонимиз тупроғидан олинадиган бойликларни — маблағларни марказдан яна ўзимиз ялиниб сўраб олишга мажбур эдик).

Республикадаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектларнинг қурилиши Шароф аканинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод ва Макрид чўлларининг ўзлаштирилиши Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар қўриқ ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг жой олиши аслида узоқни ўйлаб иш тутиш натижаси эди. Кечаги чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон хаританасида Навоий ва Зарафшон, Янгиер ва Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар барпо этилди. Республиканинг ҳамма жойида қурилиш ва ободончилик ишларини кенг миқёсларда олиб бориш, ишлаб чиқариш кучларини равнақ топтириш ҳақида у киши тинимсиз қайғурар эди.

Ўзбекистоннинг ҳамма бурчаги, ҳамма элати Шароф Рашидов учун бирдай ардоқли эди. Бироқ Шароф Рашидов Тошкент халқи ва Тошкент шаҳри учун алоҳида меҳр-муҳаббатга сазовор. Тошкентни Шарқнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш Шароф Рашидовнинг орзуси эди. Тошкентнинг ҳар бир улкан қурилиши, осмонўпар бинолари, меҳмонхоналари, хиёбонлари Шароф Рашидовнинг назарида турар эди. Халқимиз Шароф Рашидовни ҳақли равишда Тошкентнинг бош меъмори деб атайди. Бу айниқса Тошкент зилзиласидан кейин янада ёрқинроқ намоён бўлди. Тошкент **ерости қасри — метроси учун биз биринчи навбатда Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдида таъзим бажо қиламиз.**

Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари беқиёсдир. Жаҳонда «Тошкент руҳи» сифатида машҳур бўлган тушунча Шароф Рашидовнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Бу — жумҳуриятимиз тупроғида тавваллуд топган халқаро ҳаракатдир.

Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тинчлик сулҳини Тошкентда имзоланганини эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Шароф ака одамларнинг кўнглини яхши билган. Чўпон билан гаплашадими, ишчи билан гаплашадими ёинки деҳқон даласидан хабар оладими, уларнинг барчасига ўзига яраша гап топиб, қалбига йўл топа билган.

Шароф ака ҳар йили пахтакорлар қурултойида нутқ сўзлар эди. Бу нутқни кўпчилик соғиниб кутарди. Қурултой ўзбек тилида ўтарди ва раҳматли Шароф ака деҳқонлар билан шундай содда ва самимий тилда сўзлашар эдики, турли мажлис ва йиғинларда бошқа тилда гапираверсанг, она тилини ҳаддан ташқари соғинганинг сезилиб қоларди.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Ўта зиёли оилада тарбия тоқган. Ўзи пухта тарбия кўргани сабабли фарзандларига ҳам ғоят пухта сабоқ берган.

Мансабдор шахслар фарзандларининг тарбиясизлиги ҳақида ҳар хил гап юради. Бу гапларнинг кўпчилиги ҳақиқат бўлади. Аммо биз Шароф аканинг оиласи ва фарзандлари ҳақида бирор оғиз ёмон сўз эшитганимиз йўқ. Уларга оталарининг қони ва жони билан ўтган камтаринлик ва камсуқумлик хислатлари учун раҳмат айтиш керак, деб ўйлайман.

Бундай деяётганимнинг боиси шуки, Шароф ака таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор чиққанидан кейин еттиёт бегона кимсалар ҳам у киши ҳақида мақолалар ёзиб, ўзларини Рашидовга дахлдор қилиб кўрсатишга улгурди. Аммо у кишининг фарзандлари, ўғил ва қизларидан бирортаси, мен ўша одамнинг фарзандиман, ёки бўлмаса, отамизнинг номи ноҳақ топталган эди, деб мақтангани ёки таъна қилгани йўқ.

Ахир, бу инсонлар оталари билан ҳар қанча фахр этишса ёки оталарининг қадрига етмагани учун одамлардан ҳар қанча гина қилишса арзирди. Аммо бундай қилишмади. Шу тариқа ўзларининг майда-чуйда гаплардан устун эканликларини яна бир марта кўрсатишди.

Қадрли дўстлар!

Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодга катта мерос қолдирди. Бу мероснинг моҳияти — Шароф Рашидовнинг табиатан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Ҳар бир инсон ўз ички дунёси, табиати, тарбияси, фикрлаш даражасида яшайди ва фаолият кўрсатади, ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Бу маънода Шароф аканинг маънавияти, тафаккури ва кўп қиррали, самарали амалиётининг уйғунлиги ҳаммамизга ибратдир.

Биз Шароф Рашидов фаришта эди демоқчи эмасмиз. Беайб — парвардигор, дейдилар. У кишининг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлган. Лекин шахсан бир нарсага ишончим комил: Шароф Рашидов улкан давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистонни ўйлаган, ўз халқининг истиқболини ўйлаган.

Рашидов — ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган.

Дўстларим, юртдошларим! Мен республика Президенти, бундан бир неча ой муқаддам, Шароф Рашидов юбилейини у кишининг ўзига ўхшаган камтарона қилиб ўтказайлик, деган таклиф киритганим бежиз эмас. Юбилей тараддуди Шароф Рашидов шахсига сиғинишга айланиб кетмаслиги керак, деган ҳам мен эдим. Эски маъмурий буйруқбозлик жамияти қолдирган эски сарқитларни яхши билганим учун ҳам айтган эдим бу гапларни.

Шўролар даврида бизга юққан энг ёмон иллат шуки, раҳбар кишиларни тириклигида осмон қадар баланд кўтариб, ўлганидан кейин тепкилашга ўргандик. Шўролар даври бизларга раҳбар шахсларга илоҳий зотлар деб қарашни тарғиб этди. Агар шу иллатдан қутулсак, раҳбарларни ҳам эл орасида юрган одамнинг бири, ҳамма қатори, шу Ватан нони, тузини еб катта бўлган киши деб қарасак, ўзаро меҳру оқибат хийла кучайган бўлур эди.

Мансаб курсисига миниб, оёғи ердан узилган раҳбарларни жуда кўп кўрдик. Дўстларини, қон-қардошларини, охир-оқибатда она Ватанини унутган раҳбарларни ҳам учратдик. Умуман, агар ўтган етмиш тўрт йиллик шўролар даврини эслаб кўрсак, юрти ва халқини ўйлайдиган кишиларнинг умри ва меҳнати доим ҳам рўёбга чиқавермас экан.

Ўз халқини ўйлаб, ўзга халқнинг иродасини бажаришга мажбур бўлган кишининг аччиқ тақдири Шароф Рашидовнинг ҳам бошига тушган эди.

Биз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилиб, халқ иродасини яна бир бор амалга оширганимизни кўриб турибмиз. Бу юбилейни ўтказишдан мақсадимиз, авваламбор, шу улуғ зотнинг қарийб 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини тағин бир бор эътироф этиш, унинг ҳалол ва покиза номини авлодлар олдида тиклаш эди, деб айта оламан.

Биз раҳматли Шароф Рашидов номи асл ҳолида тикланганидан беҳад мамнунмиз. Биз унинг руҳи олдида, халқимиз олдида ва адолат олдида қарздор эдик. Биз Шароф Рашидов ҳақиқатини айтишда халқимиз иродасига суяниб иш тутдик ва бу йўлда адашмадик. Халқ баҳоси — энг одил баҳо. Халқимиз эса Шароф Рашидов номини доимо бошида кўтариб, энг оғир кунларда ҳам ерга қўймай, эъзозлаб келмоқда.

Азиз дўстлар! Муҳтарам меҳмонлар! Шу тантана муносабати билан элимиз ва юртимиз учун хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Биринчидан, Шароф Рашидовни ёмонотлиқ қилишдан мақсад фақатгина давлат арбоби ва ёзувчини бадном этиш эмас, балки шу баҳона бутун бир мамлакатни, халқни бадном этиш эди. Ғанимлар бу мақсадларга қисман эришдилар ҳам. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталган уйдирмаларга маълум муддат ичида бошқа халқларни ишонтиришнинг ҳам уддасидан чиқдилар. Аммо ёлғоннинг умри кўпга чўзилмади. Дунё аҳли ўзбек халқининг аслида ким ва нималарга қодир эканини бугунги кунда рўй-рост кўриб турибди.

Биз бугун Шароф Рашидов номини оқлар эканмиз, бу ишни бутун халқимиз номини поклашдек улуғ бир ишнинг камтарона, аммо узвий бир қисми деб қараш керак.

Иккинчидан, халқни бадном қилишда бизнинг ғанимларимиз жуда усталик билан йўл тутишди. Бошқача айтганда, «сопини ўзидан чиқаришди». Ўзбек халқи ичидан чиққан, шу халқнинг нон-тузини еб катта бўлган раҳбарлар ва бошқа кишиларнинг қўли билан иш кўрилди. Бу қабиҳ ниятнинг яна бир тарафи шуки, шу тариқа миллатимизни икки ва ҳатто учга парчалаб юбормоқчи эдилар. Ҳайриятки, биз бу нарсани олдиндан пайқаб қолдик. Миллат фарзандларини оқ-қорага ажратмадик. Айбдор кимсаларни қулоғидан тортиб ёруғ жойга чиқардик, аммо қасос ҳуқуқини оллоҳнинг изига бағишладик.

Яқин ўтмиш бизга берган **учинчи** сабоқ шуки, биз эски мутелик иллатидан иложи бор қадар тезроқ қутулиш чорасини кўришимиз зарур экан.

Тўртинчидан, бугун, истиқлол шабадаси эсаётган пайтларда, халқимизни, Ватанимизни бегоналар ҳукмига ташлаб қўймаймиз. Одамларимизнинг тақдири оқибатига ўзимиз жавобгармиз, деган ҳақиқатни янада теранроқ англамоғимиз даркор.

Бешинчидан, 80-йиллар қатағонларида қаддини букмаган, туҳматчиларга бош эгмаган, ўзи ва халқи шаънини қаттиқ туриб ҳимоя этган кишиларга таъзим-ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этамиз. Мана шу минбардан туриб, эл-юрти, халқи ва замини пок номини сақлаш учун курашган жасур инсонларга тасанно айтмоқчиман. Бундай мардларнинг номини, сиймоларини тарихчиларимиз, адабиёт, матбуотимиз келажак авлодларимиз учун абадийлаштириб қолдиришлари керак, деб ўйлайман.

Олтинчидан, сўз ва иш бирлигимиз, виждон амри, тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан бу дунёда адолат борлигига ёшларимизни ишонтирайлик.

Ва, ниҳоят, Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик. Номини келажак авлодлар учун тиклайлик. Тарих учун сақлайлик. Шу билан бирга ўз яқинларини, халқини, мамлакатини таҳқирлаганлар, бўҳтонлар ёдгирганлар ўзининг муносиб баҳосини олсин ва тарихда ўз ўрнини билсин. Шундай қилсак, мустақил давлат тузиш йўлида ўзбек халқи учун хос бўлган фазилатларни яна бир бор мустаҳкамлаган бўламиз. **Бобокалонларимиз, қадимий аждодларимиз хотираси, руҳлари ва келажак авлодлар ҳурмати, масъулияти олдида бошқача бўлиши мумкин эмас. Ўзбек халқининг истаги ҳам шундай**

Сўнгги йиллар сабоғи шундан иборатки, биз турли ўткинчи нарсалардан довдираб қолмаслигимиз, инсоний қадр-қимматимизни йўқотмаслигимиз лозим. Чунки дунё халқлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бундай таназзул ва депсинишларни деярли барча миллатлар турли даврларда турфа ҳолатда бошларидан кечирганлар. Ижтимоий тўфонлардан бирлик ва аҳиллик билан чиққан халқлар кескин тараққиётга юз бурганлар.

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Эндиги вазифа — миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг якдиллигини таъминлашдан иборат. Эндиги вазифа — Ватан равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиладиган меҳнатимиз меваси четга кетмайди, балки шу юртнинг келажаги, фарзандларимиз бахт-саодати учун хизмат қилади.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган (бунга ишончим комил) ҳур Ўзбекистонда яшайди. Она юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади.

Ана шу муборак тарихда Шароф Рашидовнинг ҳам қутлуғ номи ҳурмат ва ғурур билан тилга олинади.





ЖИЗЗАХ. 1992 ИЙЛ, 6 НОЯБРЬ. Суратларда: 1. Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлис залида. 2. Шароф Рашидов бюсти очилишида кўп минг киши иштирок этди.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

АТОҚЛИ давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тантаналари халқимизнинг ўзлигини танишида, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб қолади. Эндиликда камолот ишонч билан айтиш мумкинки, жипслик ва бирдамлик йўлидан бораётган элу юрт бу санани яйраб-яшнаб байрам қилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг азалий қадриятларимизни тиклаш сари бошлаган оқилона сиёсати умумхалқ томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор намоён этди. Тошкентда бошланган тантаналар Жиззахнинг янгиланган майдон ва хиёбонларида чинакам халқ сайлига айланиб кетди.

Бу байрамга халқ меҳрини қозонган санъаткорларимиз алоҳида зеб беришди. Улар бутун истеъдодларини ана шу тантанада намоён этиш учун ҳақиқий фидойилик кўрсатдилар. Санъат соҳиблари маданият жабҳасини ривожлантириш учун ғамхўрлик кўрсатиб келган Ш. Рашидов юбилейини интизорлик билан кутдилар ва уларнинг юксак ижрочилик савияси тантаналар руҳига тўла мос келди.

Тошкентда ҳайкал очилишига бағишланган митинг олдидан ижро этилган миллий куй ва қўшиқлар барчанинг дилини хушнуд этди. Кечқурунги катта хайрия концертида таниқли хонандалар ва ёш ижрочилар тақдим этган мафтункор чиқишлар унга уйғунлашиб кетди. Жиззахда эса бутун шаҳар катта саҳна вазифасини бажарди.

ШАРОФ Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ҳукумат комиссияси, Шароф Рашидов фонди ана шу тантаналарда беминнат хизмат кўрсатган ижодий жамоалар, таниқли хонандалар, ёш истеъдодли санъаткорларга алоҳида миннатдорчилик билдиришни зарур деб ҳисоблайди. Чинакамига халқ меҳрини қозонган «Ялла», «Тановар», «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» мақомчилар ансамбллари, шунингдек, Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси, Муқимий номли театр қошидаги ансамбль ижрочилари мухлислар қалбига янада чуқурроқ кириб бордилар. Тожикистон Республикаси халқ артисти Жўрабек Набиев ўз ихлосмандлари ҳузурида чиқиш учун Тошкентга атай етиб келди. Юртимизнинг қувончли онларида куй ва қўшиқлар билан халқ руҳини кўтарган таниқли хонандалар Ғуломжон Ёқубов, Аҳмаджон Шукуров, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Муножат Йўлчиева, Маҳмуджон Азимов, Мансур Тошматов, Насиба Абдуллаевалар билан бир қаторда Нуриддин Ҳайдаров, Авазбек Маҳмудов, Охунжон Мадалиев, Ғиёс Бойтоев, Бахтиёр Холҳўжаев, Азим Муллахонов каби ёш истеъдодлар бажонидил хизмат кўрсатишди.

Шунингдек, Қодир Мўминов, Гулмира Ширинова, Саодат Ҳайиталиева, Нигора Жуманиёзова, Муаззам Ғофурова каби раққос ва раққосалар тантаналарга алоҳида файз бағишлашди. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик шодиёнасида катта довруғ қозонган «Ором» болалар боғчаси тарбияланувчилари (бадиий раҳбари Гулнора Қўчқорова) ижро этган рақслар барчани мафтун этди. Таниқли қизиқчилар Мирзабек Холмедов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев томошабинларга янги дастурларини намойиш этишди. Таниқли режиссёрлар Баҳодир Йўлдошев, Марат Азимов, Абдурашид Раҳимов вақт билан ҳисоблашмай ишлашди. Фарҳод Бобожонов, Абзал Рафиқов, Зуҳра Ашурова, Ўткир Сиддиқов, Рустам Маъдиев, Саида Раметова сингари сўз усталари концерт дастурларини олиб боришда ҳар қачонгидан зиёда маҳорат кўрсатдилар.

Жойларда намойиш этилган томошаларни мумкин қадар тезкорлик билан ойнаи жаҳонда ва ҳаво мавжларида Ўзбекистон халқига етказиш борасида республика Давлат телерадиокомпаниясининг кўпминг кишилик ижодий жамоаси зўр уюшқоқлик намунасини кўрсатишди. Шунингдек, тантаналарга тайёргарлик кўриш ва ўзказилишини изчил ва муфассал ёритиш бўйича кўплаб даврий нашрларнинг вакиллари ҳозиржавоблик хислатларини намоён этдилар.

ХУКУМАТ комиссияси ва Шароф Рашидов фонди Ш. Рашидов юбилейи тадбирларини Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрамидан кейинги катта умумхалқ шодиёнаси сифатида баҳолайди, бинобарин бу тантаналар фақат бир шахснинг номи билан боғлиқ бўлмай, моҳият-эътиборига кўра мустақиллик байрамининг мантиқий давоми ҳисобланади. Юбилейни чинакам халқ байрамига айлантиришда жонбозлик кўрсатган барча санъат намояндаларига самимий миннатдорчилик билдирамиз.

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЕЗУВЧИ Ш. Р. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИ. ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ.

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА ТЕЛЕГРАММАЛАР

● Республикамизда Шароф Рашидов номли махсус жамғарма ташкил этилганлиги ғоят қувончлидир. Унга Қашқадарё вилояти ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Жамғармага 6 миллион сўм пул ўтказилди. Яна 4 миллион сўм пул ўтказилади.

● Биз—Хоразм вилояти ҳокимлиги жамғармага 1 миллион сўм пул ўтказишга қарор қилдик, — дейилади вилоят ҳокими М. Жуманиёзов қўл қўйган телеграммада. — Хоразмликларнинг бу жамғармага қўшадиган улуши 5 миллион сўмдан кам бўлмайди.

● Мирзо Улуғбек райони фондга 5 миллион сўм пул ўтказди, — дейилади район ҳокими ўринбосари И. Расулов берган телефонограммада.

● Қува районидаги «Гулистон», Ўзбекистон районидаги «Соҳибкор» жамоа хўжаликлари, кўплаб корхоналар, заводлар бу жамғармага маблағ ўтказишди. Фарғоналиклар Шароф Рашидов фондига камида 20 миллион сўм ўтказадилар.

● Андижондаги вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, трикотаж фабрикаси, йўллар бошқармаси, ип-газлама бирлашмаси, «Намуна» савдо-саноат бирлашмаси, вилоят савдо концерни, «Андижонбанк», мева-сабзавот тайёрлаш бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар жамғармага 10 миллион сўм пул ўтказишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Давлат пахта саноати ва маҳсулотни сотиш ассоциацияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

Республикада етиштирилган пахтани харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча ишларни уюштириш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаган меъёрларда давлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур ҳажмда пахта толасини сотиш ва етказиб бериш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг рухсатномалари асосида экспорт учун жўнатиш;

чигитдан фойдаланишнинг белгиланган тартибига мувофиқ республиканинг пахтакор хўжаликларига ва ёғмой саноати корхоналарига чигит сотиш;

бевосита шартномалар бўйича истеъмолчиларга пахта линти, ўликпахта, момиқ, шунингдек каноп толасини етказиб бериш пахта ни харид қилиш ва саноат йўли билан қайта ишлаш соҳасида пахтакор хўжаликлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларни, шунингдек улар эркин сотадиган пахта толасини жўнатишни такомиллаштириш;

ҳукумат қарорларига мувофиқ эркин (шартнома) нархларда сотиш учун хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш юзасидан Қорақалпоғистон Республика ва вилоят ассоциацияларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

пахтани харид қилиш, сақлаш, саноат йўли билан қайта ишлаш чоғида ягона илмий-техникавий сиёсат ўтказиш, жаҳон стандартларига мос келадиган пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулоти етказиб берилишини таъминловчи илғор, камхарж технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

пахтани харид қилиш, пахта толасини, каноп ва бошқа пахта маҳсулотини ишлаб чиқариш, жўнатиш ва уларнинг қолдиқларини ҳисобга олиш юзасидан ҳисоб-китоб ва ҳисоботни жорий этиш;

тузилган шартномалар ва битимларга мувофиқ маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан жўнатилган маҳсулот учун марказлаштирилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети зиммасига пахта толаси ишлаб чиқариш ва уни республика истеъмолчиларига, ҳамдўстлик мамлакатларига ва экспортга тақсимлаш йўли билан истеъмол қилиш балансини ишлаб чиқиш, уни Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Давлат пахта саноати ва маҳсулотни сотиш ассоциацияси фаолиятини ташкил этишга доир қарорни қабул қилсин, унинг тузилмаси ва низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 ноябрь.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	0.92	97,54
Қашқадарё	1.15	97.03
Наманган	1.01	93.39
Фарғона	0.71	92.05
Андижон	0.86	91.19
Сурхондарё	1.06	82.87
Тошкент	1,35	82.20
Навоий	1.44	80.47
Хоразм	0.71	79.99
Сирдарё	1.71	76.39
Қорақалпоғистон Республикаси	1.13	75.25
Жиззах	1.73	71.92
Самарқанд	1.59	63.46
Республика бўйича	1.16	84.38
1991 йилдагиси	0.17	103.68

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Конституция — халқимиз тақдирини, жамиятимиз истиқболини кўп жиҳатдан белгиловчи ғоят муҳим ҳужжат. Унинг қабул қилиниши Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш тўғрисидаги баёнотларини амалга ошириш томон қўйилган дастлабки муҳим қадам бўлади.

Конституция лойиҳасининг «Ташқи сиёсат» деб номланган 4-бобида дастлаб Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги тўғри таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам давлат шундай мақомга эга бўлгандагина бошқа давлатлар томонидан расмий равишда тан олиниши ва халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлиши, халқаро майдонда мустақил харакат қилиши мумкин. Мустақил республикамизнинг дастлабки тажрибасидан ушбу қоиданинг қандай амал қилинишини кўриб турибмиз. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида дадил қадамлар ташламоқда, ялпи тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Хўш, республикамиз ташқи сиёсат масалаларида қандай қоидаларга риоя қилиши, қандай мақсадларни кўзда тутиши керак? Конституция лойиҳасининг муаллифлари бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилганлар, деб айтиш мумкин. Унинг ташқи сиёсати, — дейилади лойиҳада, — давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва ҳалқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилади. Санаб ўтилган ушбу қоида ва талаблар ташқи сиёсатнинг фақат бир йўналиши, яъни тинчликни, хотиржамликни таъминлаш, ўзаро муносабатларда зўравонликка, бир-бирининг ички ишларига аралашишга йўл қўймасликка эришишни таъминлайдиган хатти-ҳаракатларни ифода этади, холос.

Аммо, ҳозирги халқаро муносабатлар тезкорлик билан ўзгариб бораётган, Ғарбу Шарқ ўртасидаги «совуқ уруш», мухолифлик ўрнини мулоқот ва ҳамкорлик эгаллаётган шароитда фақат тинчлик, халқлар хавфсизлигини таъминлаш, бошқаларнинг ички ишларига аралашишдан, куч ишлатишдан воз кечишнинг ўзи озлик қилади. Зеро, тинчликни, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва маданиятни бойитиш учун ўзгаларнинг ибратли тажрибасидан фойдаланиш зарур. Бунинг учун эса ўзаро манфаатли иқтисодий, маданий алоқаларни, самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бу қоидага риоя этиш иқтисодий инқироз чангалидан қутулишга, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни вужудга келтириш, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни барпо қилишга киришган бизнинг республикамизга, айниқса, асқотади.

Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти мазкур қоида асосида фаол ҳаракат қилиб, Ғарбу Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни кенгайтираётган бир пайтда шу нарса Конституция лойиҳасида ўз аксини топмаган. Бизнингча, **ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдек** ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишлари 4-бобда ўз аксини топиши лозим.

Шу билан бирга давлатларнинг, хусусан, эндигина мустақилликка эришган бизнинг республиканинг ташқи фаолиятида қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатиш алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз ён қўшнилар билан дўстона алоқалар ўрнатиш лозимлигига катта аҳамият бермоқда. Унинг ташаббуси билан Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Афғонистон мулоқоти ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни табиий ўзанларга туширишга қаратилган ҳужжатларнинг имзоланиши фикримиз далилидир. Айтилганларни ҳисобга олиб, 4-бобда санаб ўтилган қоидаларни **яхши қўшничилик** қоидаси билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мазкур бобнинг иккинчи дастхатида баъзи бир ноаниқликлар ва таҳририй камчиликлар мавжуд. Масалан, унда «Республика давлатнинг ҳамда халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида...» деган сўзлар бор. Биринчидан, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг устиворлиги таъминланиши лозим бўлган давлатда халқнинг манфаатлари, албатта, устун туриши, давлат эса шу манфаатларга хизмат қилиши керак. Иккинчидан, «халқнинг олий манфаатлари» деган иборада «олий» сўзи ортиқча. Чунки ҳар гал манфаатларнинг олий ёки олий эмаслигини аниқлаш мушкул иш. Бу ва бошқа сабабларга кўра, ушбу хатбошини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф этамиз.

«Республика халқнинг манфаатлари ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар, ҳамдўстликлар ва давлатлараро тузилмалар тузишда иштирок этиши, уларнинг аъзоси бўлиши ва лозим бўлса улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Хуллас, муҳим соҳа— ташқи сиёсатга бағишланган бобни тўлдириш, бойитиш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Собир ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП МК матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири ўринбосари, тарих фанлари номзоди.

ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР УМУМЛАШТИРИЛДИ

Жиззах шаҳар партия кенгаши мавжуд 85 та бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасининг ўзига хос усулини танлади. Бошланғич партия ташкилотлари 8 та гуруҳга бўлинган ҳолда асосий Қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилдилар.

ХДП шаҳар кенгашининг IV пленуми кун тартибига қўйилган ушбу масала юзасидан жиддий мунозаралар бўлиб ўтди. Пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалар, аниқ таклиф ва истаклар шаҳар кенгаши қошидаги ишчи гуруҳи томонидан умумлаштирилиб, юқори мутасадди ташкилотларга юбориладиган бўлди.

Пленумда «Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши ижроия бюросининг бир йиллик иш фаолияти ҳақидаги ахборот ва навбатдаги вазифалар» муҳокама этилди. Бу ҳақда шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Юсупов маъруза қилди.

Шаҳар кенгаши пленумида Жиззах шаҳридаги барча ХДП аъзолари бўлмиш ноиблар иштирок этдилар.

Пленум ишида Жиззах шаҳар ҳокими А. Соатов сўзга чиқди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Бугун—милиция ходимлари куни •

— Нурмат ака, бўлимнинг хизмат доираси ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат транспорт милицияси олдида турган вазифалардан кўпчилик бехабар. Ходимларимиз Андижон, Наманган вилоятига темир йўл орқали келаётган саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари ва техника асбоб-ускуналарига зиён-заҳмат етказдирмай манзилга етказишга бурчлидир. Бундан ташқари мустақил Республикамиз фуқаролари ва меҳмонларини осойишта ҳолатда, мулкларига эгри қўлларни тажовуз қилдирмай кузатиб қўйиш ва кутиб олишни таъминлашади. Бошқа жабҳаларда бўлгани каби транспортда ҳам кўнгилсиз воқеалар бирмунча кўпайди. Шу йил ўн ой мобайнида бўлимга арз ва шикоятлар билан 500 дан ортиқ фуқаро мурожаат қилди. Уларни қонунга асосан ўз муддатида ўрганиб чиқяпмиз. Юқорида кўрсатилган шикоят ва аризаларнинг 200 дан ортиғи бўйича жиноий иш қўзғатилди.

— Ходимларингиздан баъзилари билан суҳбатлашдик. Ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилаётган тадбирлар бизни яхши ишлашга рағбатлантиряпти, дейишди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳозир ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Бўлимимизда 92 киши хизмат қилади. Йил бошидан бери уларнинг ҳар бири камида бир-икки марта пул мукофоти олишди. Икки кишига уй, етти кишига томорқа берилди. Бизда уй-жой муаммоси йўқ десак ҳам бўлади. Қишга ҳам шай бўлиб турибмиз. Ходимларга арзон нархда сотиш учун 20 тонна га яқин сабзавот ва полиз маҳсулотлари жамғариб қўйганмиз.

— Андижонда Сизни жуда кўпчилик ҳурмат билан тилга олмоқда. Бунга қандай эришгансиз?

— Одамлар орасида бўлсангиз эл-юрт сизни танийди, бамаъни бўлсангиз обрў топасиз. Мен шоҳми-гадоми, етимми-есирми барчанинг тўю-азасида қатнашаман. Ҳузуримга ҳатто бошқа соҳаларда ишлайдиганлар ҳам мадад сўраб келади.

Уларнинг ҳар бирига ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Яна инсон меҳнати билан қадр топади. Яширишнинг ҳожати йўқ. Бизнинг соҳада дам олиш кунининг ўзи бўлмайди. Агар осойишталик бўлса ўша биз учун дам олишдир. Ёдингиздами, Республика Президенти Ислом Каримов осойишталик Мустақил давлатимиз равнақи учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканини катта-катта йиғинларда кўп такрорлайди. Шундай экан биз доимо юртимиз осойишталиги учун хизматга тайёрмиз.

— Айтишларича, тарихни яхши биларкансиз?

— Мен юрист бўлишдан ташқари тарихчиман ҳам. Халқимиз тарихи ғоят қизиқарли ва сермазмун, деб биламан. Киши келажакка ишонч билан бориши учун ўз халқининг тарихини чуқур билиши керак. Бўш пайтларда китоб ўқийман, мақолалар ёзаман. Мақтаниб қўяй — кейинги икки йилда республика газета ва журналларида 100 дан зиёд мақолам эълон қилинди.

— Бўлимда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Андижон станциясидан ўндан ортиқ тезюрар пассажир-поездлар жўнатилади. Кузатиш ва қидирувлар шундан далолат бермоқдаки, келик, билетфурушлик ва контейнерлардан мол ўғирлашга қарши транспорт милицияси катта-катта тадбирларни амалга оширмоқда. Шу ўринда жиноят қидирув ходимларидан Абдуллажон Солиев, Анваржон Абдуллаев, Рашанбек Наимовларнинг жонбозлигини айтиш жоиздир.

— Газетада босилган мақолалардан кўпчилик муштарийларга маълумки, сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилинган, уйингиз портлатиб ёндирилганди. Айбдорлар топилиб жазосини олдими?

— Бошқалар ҳам қўнғироқ қилганда, кўча-кўйда кўришганда шу ҳақда сўрашади. Минг афсус билан айтаманки, ҳали ҳақиқат қарор топганича йўқ. Хабарингиз бор экан, 1990 йилда яшаб турган уйимни портлатиб ёндириш-ганди. 1991 йил июль ойида уюшган жиноятчилар ҳаётимга ўқ отиш қуроли билан тажовуз қилишди. Сабаби мен Андижондаги энг кучли жиноятчилар гуруҳини фош қила бошлагандим. Ўзбекистон тилласини бошқа юртларга инъом этаётган катта пулдор шахсларни аниқлагандим. Надоматлар бўлсинким, бу ишларнинг устига ҳозирча қозон ёпилиб турибди.

Жиноятчилар ҳам тек туришмади. Улар ҳаётимга қасд қилишди. Уларни ўз кучимиз билан қўлга олдик. Область прокурори рухсати билан судгача улар қамоққа олинганди. Ҳаётимга суиқасд қилганлар устидан суд жараёни бошланганда кўпчилик қувонганди. Аммо лекин акси бўлиб чиқди. Давлат қораловчиси айбланаётганларга ўн йилдан қамоқ жазоси тайинлашни сўраган бир пайтда, улар суд ҳайъати томонидан залдан озодликка чиқарилди. Мантиқни қаранг. Прокуратура тўрт кишини бир йил қамоқда сақласа-ю, уни судья бўшатиб юборса. Бу воқеа юзасидан Республика прокурори ва ички ишлар вазирига мурожаат қилганман. Улар ҳам бу ишни ўз назоратига олганликларини билдиришган. Шунга қарамай, натижа кўринмаяпти.

Бу ҳақда Республиканинг нуфузли идораларига мурожаат этдим. Катта умид билан жавоб кутяпман. Бир ўйланг, милиция бошлиғи ҳаётига қилинган суиқасд иштирокчилари қандайдир «сабаб»ларга кўра жазоланмаса? Балким газетадаги бу сатрлар ҳақиқатни рўёбга чиқаришга ёрдам берар.

Суҳбатдош:
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

МАҚСАДИМИЗ— ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ



Кейинги пайтда транспорт ички ишлар бўлимида талайгина ибратли юмушлар амалга оширилмоқда. Темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда осойишталикни таъминлаш бўйича катта тадбирлар ўтказилаётир. Мухбиримиз Андижон транспорт ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Нурмат ЛАТИФЖОНОВ билан мулоқотда бўлди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Транспорт милицияси бошлиғи Н. Латифжонов билан суҳбат пайтида унга берилган сўнгги савол юзасидан таҳайгина ҳужжатлар редакцияга тақдим этилди. У киши ўртага қўйган масала жуда жиддий. Қонунсизлик рўй берганн факти аниқ. Нима сабабдандир суиқасд иши ниҳояланмаганлиги кишини ажаблантиради. Республика прокурори ўз назоратидаги иш натижаси билан қизиқиб, адолат қарор топишига кўмаклашади, деб умид қиламиз.

Редакция шу хусусда нуфузли ташкилотлардан жавоб кутади.

ЯНА УЧРАШГУНЧА, ДЎСТЛАР!

Она юртин тавоф этиш, қариндош-уруғлар билан учрашиш Ўзбекистонда ўтказилган ёш ватандошлар халқаро фестивали қатнашчилари қалбида унутилмас из қолдирди. Учрашув ташкилотчиси — Республика Ёшлар уюшмаси меҳмонлар учун қизиқарли дастур тайёрлади.

Анжуман қатнашчилари — жаҳоннинг ўнлаб мамлакатидан келган бизнесменлар, жамоат ташкилотларининг вакиллар, ёш ишчилар ва деҳқонлар Тошкент ва Самарқанддаги йирик саноат корхоналарида бўлдилар, Ўзбекистон олимлари, ишбилармонлари билан учрашдилар. Меҳмонлар республикамиз иқтисодиёти, фани ва маданияти ютуқлари билан яқиндан танишдилар, кўпгина соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини муҳокама қилдилар. Фестивалнинг маданий дастури айниқса қизиқарли ўтди. Анжуман қатнашчилари Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар. Ўзбекистон саҳна усталари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашдилар.



6 ноябрь куни Тошкентда ёш ватандошлар халқаро фестивали якунланди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ёшларига мурожаат қабул қилиб, республика йигит-қизларини мустақил ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилишга, бор куч-ғайрат ва қобилиятларини уни гуллаб-яшнатишга сарфлашга чақирдилар. Меҳмонлар тақдир тақозоси билан йиллар давомида она юртдан йироқда бўлган ватандошларнинг биринчи учрашувини ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Инғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев республика Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов ва бошқалар иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

Суратларда: ёшлар учрашувидан лавҳалар.

(ЎзА).



ДУНЁ ОВОЗИ

ЛОНДОНГА ТАШРИФ

◆ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Лондонга расмий ташриф буюрди.

Сафар режасига кўра президент Буюк Британия қироличаси Елизавета II қабулида бўлади, бош вазир Жон Мейжор билан музокаралар ўтказади. Б. Ельцин шунингдек инглиз парламенти палаталарининг қўшма мажлисида маъруза қилади.

БЕРЛИННИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОЛАРИ

◆ Берлиндаги Рейхстаг биносида шаҳар сенати томонидан таъсис этилган мукофотлар ўз эгаларига тақдим этилади.

Бу мукофотга ГФР ҳукумати бошлиғи Гельмут Коль, АҚШ ҳамда СССР собиқ президентлари Рональд Рейган ва Михаил Горбачевлар сазовор бўлишди.

Мазкур мукофотни тақдим этишаркан, немислар шу йўл билан ГФР ҳукумати бошлиғи, АҚШ ва СССР собиқ президентларининг Германияни бирлаштириш йўлидаги хизматларига юқори баҳо берганликларини намойиш этишмоқда.

ВАКОЛАТХОНАЛАРНИ ОЧИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

◆ Германия собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган ўн беш республиканинг барчасида 1993 йил бошигача расмий ваколатхоналарини очади.

Ҳозир Германиянинг Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ва Украинада ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир. Яқинда Молдовада элчихона очилди.

Келаси йили эса Туркманистонда Германиянинг расмий ваколатхонаси ташкил этилади, деб хабар қилади ГФР ташқи ишлар вазирлиги.

ДОМ-ДАРАКСИЗ ЙЎҚОЛГАНЛАР ТОПИЛДИ

◆ Анголада дом-дараксиз йўқолган тўққиз МДҲ фуқаросидан олти киши «Капанда» гидроэлектрстанцияси ҳудудида топилди.

Анголадаги ҳокимиятга муҳолифатда турган УНИТА ҳарбий гуруҳлари бундан бир неча кун муқаддам МДҲ мамлакатларига мансуб 55 кишини гаровга олиб кетишганди. Бугунгача улардан жами 52 киши топилиб, Луандага етказилди. Қолган уч киши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш — обуна баҳоси сўм; баҳоси сўм — обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *«Ўзбекистон овози» газетасига обуна 20 ноябргача давом этади*

56 ЙИЛДАН БЕРИ СЕВИБ ЎҚИЙМАН

Бозор иқтисодиёти шароитига қарамай, келаси йил учун «Ўзбекистон овози»га обуна бўлдим.

1936 йилдан бери шу газетага обуна бўлиб келаман. Ҳозир газета чин маънода «Ўзбекистон овози»га айланган.

Ўзимдан сўрасангиз, ёшим 78 да. Умр бўйи ўқитувчилик қилдим. Халқ маорифи аълочисиман. Финляндия ва Улуғ Ватан урушларида қатнашганман.

Газетасиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Айниқса, отахон газета «Ўзбекистон овози» саҳифаларида босилаётган долзарб мавзулардаги мақолалар менга жуда маъқул келяпти. Келаси йили ҳам газетада қизиқарли мақолалар кўп бўлади, деган умиддаман.

Мардон ТЎХТАЕВ.
Қамаши райони.

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ

Узбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши хайрли ташаббусга қўл урди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига 40 нафар уруш ва партия фахрийлари, ногиронлар бепул обуна қилинди. Бунинг учун кенгаш 10 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказди. Келаси йил 1 январдан бошлаб Е. Богоявеленский, Ф. Чопаров, Ҳ. Халимов, Б. Рудаметкин сингари фахрийлар мазкур рўзномаларни текинга олиб ўқишга муяссар бўлишади.

Бу хайрли ишга ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Қ. Нарзиев бошчилик қилмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан шаҳар кенгаши бюджетига кичик корхоналар, кооперативлар, шахсий фирмалар шартнома асосида маблағ ўтказмоқда. Бу маблағ юқорида таъкидлаганимиздек уруш ва меҳнат фахрийларини обуна қилишга ҳамда ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда.

Қани энди бундай савобли ишлар ХДП Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарлари кенгашларида ҳам йўлга қўйилса!

Музаффар ШАРОПОВ.

ОБУНА НАРХИ:

УЧ ОЙГА—	ЯРИМ ЙИЛГА—	БИР ЙИЛГА—
96 сўм	192 сўм	384 сўм

Иброҳимжон Асқаров юздан ортиқ илмий мақола ва асарлар муаллифи, 30 дан ортиқ ихтиро яратган олимдир. Республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Президент Фармонига мувофиқ Андижон давлат дорилфунуни кимё куллиётининг декани, кимё фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Асқаровга «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони берилди...

БИР ОЛИМНИНГ ЎТТИЗ ИХТИРОСИ

Ер юзида яшаётган аҳолининг бешдан бир қисми камқонлик касалига йўлиққан. Ўрта Осиёда эса аёллар ва болаларнинг бундан ҳам кўпроғи камқон. Демак, бу фақат битта минтақага эмас, бутун дунёга тарқалган касалликдир. Ҳатто у наслга ҳам салбий таъсир қилиб, касалманд болалар кўп туғиляпти.

Лекин собиқ Иттифоқда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам камқонликка қарши дори-дармон ҳали ишлаб чиқилмаган. Ҳозирга қадар бундай дорилар фақат чет эллардан сотиб олинарди. Аммо у ҳам кутилган натижани бераётгани йўқ. Иброҳимжон Асқаров шу соҳада илмий иш олиб борди. Собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб камқонликка қарши «феранд» деган янги дори яратиб, кимё фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Ҳозир бу дори болалар касалхоналарида қўлланиляпти.

Олимнинг яна бир ихтироси жарроҳлар ишини енгиллаштирди. У ишлаб чиққан биологик елим операция жараёнида чиққан қонни узоғи билан 50 дақиқада тўхтатади. Бу елим «Пиакарин АП-1», «Пиакарин-Андмос» деб номланган. Жарроҳлар жигар, буйрак операциясида кесилган жойни тикмасдан шу елим билан ёпиштирадилар. Бу билан кўп қон кетишининг олди олинади.

Иброҳимжон яратган ихтиролардан яна бири «Ферростимулятор-1» деб аталади. Пахтачиликда синаб кўрилган бу биологик модда киши организмига безарар бўлиб, пахта ҳосилининг тез етилишига ва ҳосилдорликнинг 3—4 центнер ортишига ёрдам беради. Ҳозир Фарғона азот заводида «Ф-1» биологик моддасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. У Андижон, вилоятининг Комсомолобод, Балиқчи, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа районларида синаб кўрилди. Бир йилда 1 миллион сўм соф фойда келтирди. Мутахассисларнинг айтишларича, «Ф-1» моддаси чет элдан валютага сотиб олинаётган «Амоид»га нисбатан фойдалироқдир.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Куюнчак муштарийлар мактуби*

ЧОЙХОНА КИМНИКИ?

Ҳурматли редакция!

Республикамизда «Маҳалла жамғармаси»нинг ташкил этилиши дилимиздаги гап бўлди. Чунки Узбекистон шаҳарлари, жумладан Самарқандда ҳам маҳалла аҳоли ижтимоий аҳволини яхшилашда, энг яхши анъаналарни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Шоир Махтумқули «Биров билан ошно бўлай десангиз, маъракада ўтириб туришин кўринг», деб бежиз айтмаган.

Қўнимли кишининг яхшию ёмони маҳалла билан. Айниқса кейинги пайтлар бизнинг шаҳарда маҳалла қўмиталарининг аҳамияти ошди. Эндиликда ижтимоий таъминот ҳам у орқали амалга оширилмоқда. Тўй ва бошқа маъракаларни ихчам, замонавий ўтказиш юзасидан чоралар кўрилаётир. Жуда кўп нарсаларни ҳашар йўли билан амалга ошираяпмиз.

Лекин надоматлар бўлсинки, ана шундай ажойиб тадбирларни ўтказиш учун бизда маҳалла маркази — чойхона йўқ. Тўғри, илгари 1966 йилда маҳалла усталарининг қўли билан қурилган дуппадурўст чойхонамиз бор эди. Бироқ Тошкент кўчасини таъмирлаш баҳонасида шаҳарнинг собиқ раҳбарлари уни буздириб юбордилар. Қизиғи шундаки, кўчадаги барча биноларни деворига қўшимча ғишт қаланиб чиқилди, бизнинг нақшинкор чойхонамиз эса бузилди.

Ҳангоманинг асосий қисми шундан кейин бошланди. Дастлаб бизга «бу ерда сизлар учун чойхона қуриб берамиз», дедилар. Қурилиш жойи ковланди ҳам. Беш йил хандақ томоша қилдик. Телефон симлари узилиб кетди, атроф ахлатхонага айланди. Ниҳоят яқинда бинонинг ярми битгач, у бизга тегишли эмаслигини билиб қолдик.

Ҳайронмиз, чойхонани ошхоналар трестига ким хатлаб берган экан! Кўп ўтмай бинонинг бир бурчагига саноат моллари магазини жойлашди. Иккинчи томонда буфет очилди, кабоб қўраси қўйилди. Ана энди эрталабдан кечгача бу ерда савдо базми.

Биз эса маҳалладаги масжидга тиқилиб қолдик. Бу ерда ҳам намоз ўқилади, ҳам маҳалланинг ашқол-дашқоллари туради. Ҳатто тобутни ҳам идиш—товоқлар билан бирга сақлаймиз.

Биз аввал Сиёб район ҳокими ўринбосари И. Бадалов ҳузурига бордик. У «Тошкент кўчаси шаҳар ҳокимлиги тасарруфида», деди. Депутатимиз — вилоят имом-ҳатиби Мустафоқул Меликзодага мурожаат қилдик. Шаҳар ҳокимиятига ёздик. Ҳоким муовини Ф. Гиёсов имзоси билан олинган хатда чойхона «Турон» акционерлик савдо-ишлаб чиқариш компаниясига тегишли эканлиги айтилган.

Турли мажлислар, тўй ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун чойхона биноси зарур пайтда бизга берилар эмиш. Буни қандай тушуниш керак! Қайси савдо ходими асбоб-анжомларини, ўз жойини вақтинчалик бировга берар экан!

«Турон» компанияси раиси Д. Абдураҳмоновга учрашганимизда у киши «қурилишга 2 миллион пул сарфладик, ўша ҳаражатни тўласангизлар, марҳамат, бинони бераман», деди. Ваҳоланки, бино нарх-наво арзон пайтда қурилди. Бундан ташқари қайси қонунга асосан чойхона жойи «Турон» компаниясига ўтиб қолди! Бу масала билан шуғулланадиган мардлар топилмаяпти.

Маҳалламиз шаҳардаги энг кўҳна ва табаррук масканлардан ҳисобланади. Ёнимиздаги мактабда эса кўпчилигимиз таҳсил олганлигимиз билан фахрланамиз. Бу маърифат маскани ёнида савдо корхонаси эмас, маҳалла чойхонаси фаолият кўрсатиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан сизларга мурожаат қилаяпмиз. Саволимизга жавоб топишда ёрдам берсангизлар: чойхона кимники ўзи! Йиллар давомида фойдаланган маҳалла аҳлиникими ёки ўроқда йўқ, машоқда йўқ «Турон» савдо ишлаб чиқариш компаниясиникими!

Самарқанд шаҳар Қорабой оқсоқол маҳалласи аҳли номидан:
О. МУРОДОВ,
маҳалла қўмитаси раиси.
А. ШУКУРОВ,
қўмита котиби.
Ф. МУЛЛАЖОНОВ,
шаҳар Кенгаши депутати.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

НУКУС ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 27—28 ноябрь кунларида Қорақалпоғистон республикаси пойтахти Нукус шаҳрининг 60 йиллик юбилейи нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Нукус шаҳрининг 60 йиллик юбилейини кенг нишонлаш мақсадида 50 миллион сўм маблағ ажратди. Президентимизнинг ғамхўрлигига жавобан саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари жамоалари алоҳида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Қурилиш ҳамда шаҳарни ободонлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

* * *

КАНАЛ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Элликқалъа районида ўзлаштириш мумкин бўлган ўн минг гектарлаб қўриқ ер бор. Суғориш тармоқларини кенгайтириш ҳисобига пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорликни янада ошириш учун имкониятлар мавжуд. Эндиликда ана шу имкониятлар рўёбга чиқадиган бўлди. Тўрткўл районидаги «Ленин йўли» жамоаси хўжалигидан ўтадиган «Пахтаарна» каналидан узунлиги 34,5 километрлик янги канал қурилиши бошланди. Бу ишларни «Бустонводстрой» трести қурувчилари олиб борадилар.

Канал қурилиши бошланиши муносабати билан кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,

НУРОТАДА ЗАВОД ФИЛИАЛИ

Нурота районида Бухоро қоракўл терини ошлаш ва қайта ишлаш заводининг филиали очилди. Натижада нуроталик қоракўлчиларнинг азалий орзуси ушалди. Эндиликда бу филиалда қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ортиқча маҳсулотлари қайта ишланади. Филиалдаги дастгоҳларни бухоролик мутахассислар ўрнатиб беришди. Қисқа вақт мобайнида қоракўл теридан тайёрланган аёллар шубалари, эркаклар телпаклари ва бежирим ёқалар тикиб чиқариш тўла ўзлаштириб олинди. Бу ерда шу йилнинг ўзидаёқ 5 миллион сўмлик қоракўл теридан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

М. ШАРОПОВ.

• *Спорт* • *Спорт* • *Спорт*

Фишер—Спасский

МАВҚЕГА ЯРАША ЯКУН

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАЛЛАР · МУТАСАДДИ · FIDE · МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

Ун кунлик танаффус билан икки ойдан ортиқ давом этган аср жавоб-матчи мантиқий якунини топди. Роберт Фишер яққол устун келди.

Шахмат оламининг ягона фармонбардорларини аниқлаш учун дастлабки расмий мусобақа ўтказилганига юз йилдан ошди. Шу давр орасида ўттиздан ортиқ матчлар ўйналиб, уларнинг бир қанчаси реванш, яъни жавоб-матчилари деб аталди. Одатда жавоб матчларида жаҳон чемпиони ютқазиб қўйгач Низомга кўра ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, ўша рақиби билан такрорий баҳсга киришади. Хўш, шундай экан нега бунисида чемпион — Каспаров бир ёқда қолиб, икки собиқ тождор баҳсини аср матчи деб аталмоқда? Борис Спасский 1972 йили Роберт Фишердан енгилиб «собиқ» сўзини орттирган бўлса, америкалик гроссмейстер ҳеч кимдан енгилмай шу кўйга тушган. Бинобарин, у ўзини ҳали ҳам тахтдан тушмаган тождор деб биларди. Шахмат аҳли эса унинг ҳохишига қарши боришни истамайди. Зеро Фишер бу ажиб олам ичра сайр-га кирган мухлислар учун ажойиб туҳфаларини аямаган. Хуллас, Фишернинг шахмат оламига қайтишининг ўзи муҳимдир.

Ўн тўққизинчи партияда оқ доналарни сурган Фишер фарзинли эндшпилга ўтар экан, ютишига асло гумонсирамаганди. Икки пиёда ортиқ бўлатуриб ғалабага эришмасмиди, ахир. Беназир ўйин техникаси билан ном қозонган америкалик гроссмейстернинг ҳам назаридан қочган ажиб бир нозик жиҳат намоён бўлиб қолди. Бу қора шоҳнинг мот эмас пот ҳолатга тушиб қолиши эди. Фишернинг барча уринишлари зое кетди: 84-юришда дурангга рози бўлишдан ўзга чора қолмади. Узлуксиз тўққиз соат мураккаб ҳисоб-китоб юритишнинг ўзи бўлмади. Бунинг устига нақд ютуқни қўлдан чиқариш... Танаффус олса бўларди, аммо у бунга ўрганмаган.

Йигирманчи учрашувни биринчи бор шоҳ пиёдасини суриш билан бошлаган Спасский ҳарифи руҳиятини ҳисобга олган кўринади. Ҳимоялаш навбати Фишерга ўтди. Аммо олдинги партияда орттирган оғир юкдан холос бўлолмаган америкалик гроссмейстер қанчалик ҳаракат қилмасин бутун вужудини жангга сафарбар қилолмади: 43-юришда Спасский тўртинчи ғалабасини нишонлади.

Чинакам забардаст шахматчиларнинг энг ноёб фазилатларидан бири мағлубиятдан сўнг ўзини қўлга ола билишидир. Бу борада ҳам Фишерга тараф йўқ. Навбатдаги учрашувда у рақиб қуролини унинг ўзига рўбарў қилди. Маълумки, Спасский сициллианча ҳимоянинг ёпиқ вариантининг пири. Лекин қоралар билан кўнгилдагидек вазиятга эришолмади. Мукаммал ва пухта режалар 54-юришда Фишерга саккизинчи ғалабани таъминлади. Ҳисоб унинг фойдасига 8:4 га чиқди.

21-партия ҳар жиҳатдан қизғин сазовордир. Бунинг учун икки оғиз тарихдан сўз очишга эҳтиёж бор кўринади. Йигирма йил бурун ўтган Фишер—Спасский матчига қизиқиш шундай эўр бўлган эдики, бу ҳақда сўз бормаган жой йўқдек сезиларди. «Совет Ўзбекистони»да ҳам пешма-пеш шарҳланган эди. Ёритилган воқеалар ёдимга тушяпти. Ушанда ташаббус дастлаб Спасский, сўнгра Фишерда бўлган ва Спасскийга жон кира бошлаган, аммо у энди «поездга кечиккан» эди. 21-юришдан сўнг ҳисоб Фишер фойдасига 12,5:8,5 бўлиб шахмат тожи чорак асрдан сўнг бошқа мамлакат вакилига ўтган эди. Ҳозирги баҳсда эса худди шу воқеа такрорланяпти. Агар дуранглар эътиборга олингундай бўлса, 21 партиядан сўнгги ҳисоб 8:4 эмас, балки 12,5:8,5 ни ташкил этади. Босқичлар ҳам деярли айнан 1972 йилдагидек. Бу Фишернинг зимдан интилган режаси эмасмикин, деган ҳаёл чулғайди. Бу билан у, мен ўша-ўшаман, деяётгандек бўлади. Тўғри Спасскийга нисбатан олганда шундай. Лекин бошқа иқтидорли ёшларга қиёслаганда-чи...

Жаҳон экс-чемпиони Анатолий Карповнинг фикрича Фишернинг айни чоғдаги ўйин даражаси таҳсинга сазовор. Бироқ шахматчи ўз кучини тахта узра намоён қилмагунча мухлислар ишончини тўлатўкис қозона олмайди. Шунинг учун ҳам Фишер расмий тождор Г. Каспаров томон равон йўл очишни кўзлаб иш тутмоқда. Чунончи у шахмат юлдузларидан бири ҳиндистонлик В. Ананд билан, сўнгра венгриялик 16 ёшли қиз Юдит Полгар билан матч ўйнашга келишиб қўйибди. Ажабланарли жойи йўқ. Бу қиз ниҳоятда шахматчи эркакларни писанд қилмай қўйганига анчагина бўлиб қолди. Бу режа амалга ошса шахмат тарихида антиқа воқеа бўларди-да. В. Ананд кўпчиликка таниш, ҳатто Каспаровни ҳам бир неча бор доғда қолдирган ёш гроссмейстер бўлиб, яқинда ўтказилган матчда рейтинг-даражаси бўйича жаҳонда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турган Василий Иванчукни 5:3 ҳисобида мағлуб этди. Ҳа, баъзи бировлар айтганидек Фишер заифроқ ҳарифни эмас, муносибларини курашга тортмоқчи.

Белграддаги баҳснинг навбатдаги уч партияси охир оқибат дуранг билан якунланиб, умумий ҳисобга таъсир ўтказа олмади. Бетобланиб қолган Спасский 25-партия олдидан тўртинчи бор танаффусга чиқди. Ҳамма энди Спасский мағлубликни тан олса керак, деган фикрда эди. Лекин у яна ўйнаб, ютқазди. Фишер ҳисобни ўз фойдасига 9:4 қилди.

Зеро, Спасский кейинги партияда бешинчи ютуққа эришди. Сўнг уч партия дуранг бўлди. 30-партия якунловчи ўйинга айланди. Умумий ҳисоб Фишер фойдасига 10:5 га етди. Спасский 1 миллион 650 минг, Фишерга 3 миллион 350 минг доллар бериладиган бўлди.

Энг муҳим натижа шуки, Фишер яна бир бор шахмат оламини тағин ҳам жонланишга улкан ҳисса қўшди.

• *«МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА*



Саҳий куз манзаралари. С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ПИЁЗ, САБЗИ... ҚУРИТИЛЯПТИ

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли Ғаллаорол агросаноат комбинатининг янги заводи бир сменада 2,5 минг шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни кунларда корхонада 7 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Фақат помидордан 4 хил консерва тайёрланяпти. Эътиборли томони шундаки, заводда сабзавот, мева қуритиш дастгоҳлари мавжуд бўлиб, ишчилар ҳатто пиёз ва сабзини қуритган ҳолда қишга сақлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш имкониятига эга бўлдилар.

Дастлабки ҳисоб-китоблар корхонанинг йилига 3 миллион шартли банка, кўплаб турдаги қуритилган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкинлигини кўрсатяпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА
- ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
- «БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
- НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДДИНОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — — 20.30. Г—453. № 221. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.